

# АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, “Оила ва жамият” газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз, деган умиддамиз.

Обуна индекси – 176

*Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.*

Ислом КАРИМОВ



# Оила ва жамият

51 (1306)-сон 21 декабрь 2016 йил  
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Улуғбек ҲАМДАМ

## ЮР, КЕТДИК!

Кумуш қишнинг кучоғига юр, кетдик,  
Юргил, ташвишларни осиб кўй дорга.  
Бу дунёнинг охирига ким етди? –  
(Ким эътибор берар бўлса дил – ёрга!)

Кумуш қишнинг кучоғига юр, кетдик,  
Юргил, кўнгилларга малҳам бўлсин у!  
Тирикчилик дедик, рўзгор – иш дедик,  
Орзулар юзига боқмай сўлдик-ку...

Юргил, кўйил бир зум, ҳаммасини от!  
Юргил, оппоқ сочли дов-дарахтларга!  
Ўзни топширайлик, бир кун табиат  
Маъруза ўқисин биз – карахтларга...

Санъатсиз хонангни тарк этгил бир кун,  
Бир кун дўстинг билан унут дунёни.  
Саховатли осмон, кўкимтир булут  
Бошимиздан сочсин “унут дунё”ни...

Юргил, оппоқ сочли Улуғ тоғларга,  
Боболар умридан ўйлаб берсинлар.  
Юргил, уйқудаги ойдин боғларга,  
Кўрган тушларидан сўйлаб берсинлар.

Ўтира бермагил, юр энди, юргил,  
Юргил, мўъжизадек умрингни қизғон,  
Ҳаётнинг кўксига сен тақмасанг гул,  
Ҳеч ким тақиб кетмас, ҳеч ким ҳеч қачон!

Юргил, кўкка қараб кучоқ очсанг, бас,  
Саноксиз меҳрдан бағринг бўлмай нам.  
Англайсан: сен энди кечаги эмас –  
Кўзларингда боқар Улкан бир одам!

Юргил, сўзларингга бир бор кирсанг, бас!..



Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

Ушбу сонда:

## ОНАЛИК - БАХТ, ОНАЛИК - МАСЪУЛИЯТ!

“Фалончи опахоннинг тамаки тута-таётганини кўриб, ҳавас қилиб, чекишни ўрганганман”, деган эди бир қиз.



4-бетда



Кунлар ўтиб борар, бола ҳар кун одатий иш-ни такрорларди – қоғозчаларни деразадан сочарди. Унинг хаёлини велосипед орузи буткул эгаллаб олганди. Болакай қоғоз сочиб бўлгач, яна шу ишга шўнғирди. У бу юмушга дарслик дафтарларига сарфлади. Болакай бошқа ҳамма нарсани унутиб, телбаларча қоғозларни йиртар, ёзар ва деразадан иргитарди.

6-бетда

## ГўДАКНИНГ КўРИШ ҚОБИЛИЯТИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНАДИ?

– Шаклланган кўриш қобилияти билан бир пайтда ранг билиш қобилияти ҳам ривожланади: гўдакнинг оқ-қора дунёси аста-секин ёрқинлашиб боради. Рангларни ажрата олиш қобилияти болаларнинг 2-6 ойлигида пайдо бўлиши аниқланган. Қабул қилиш қизил рангдан бошла-нади, шу ранг қабул қилиниши эртароқ шаклланишга боғлиқ.



7-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҮМИТАСИГА ЯНГИ РАҲБАР САЙЛАНДИ

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдан ташқари Бошқарува ййгилиши бўлиб ўтди. Унда Бошқарува кенгаши аъзолари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят хотин-қизлар қўмиталари раислари, Қўмита муассислигидаги наشرлар раҳбарлари иштирок этди.**

Ййгилишни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маруфова олиб борди.

Ййгилишда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келган Э.Боситхонова бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси раиси вазифасида ишлаб келган

Т.Норбоева номзоди Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига тавсия этилди.

Тадбирда "Маҳалла" жамоат фонди Республика бошқаруви раисининг ўринбосари Д.Мирзажонова, "Миллий тиклашиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Муҳамеджанова, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хотин-қизлар қўмитаси олдига янги, кўлами ва аҳамияти жиҳатидан ўта муҳим вазифаларни қўйгани ва бу вазифаларни бажариш

да Танзила Норбоевнинг кўп йиллик тажрибаси, ўзига хос бўлган раҳбарлик салоҳияти қўйилган самараларни бериши эътироф этилди. "Энг муҳими, – деди сўзга чиққанлар, – Танзила Норбоева давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида кўп бор таъкидлаган фазилатга – халқнинг дардини эшитиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишда шахсий ташаббус кўрсатиш ва ҳар қандай масала юзасидан амалий тақлифлар бериш салоҳиятига эга".

Танзила Норбоева Бошқарува кенгаши аъзолари томонидан овозга қўйиш асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди.

Ййгилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармухамедов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ – ФАРОВОНЛИККА ЙЎЛ



Андижонда шундай мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди. "Фаровон ҳаёт қўлимизда" лойиҳаси доирасида "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси вилоят бўлими, Халқ банки вилоят филиали ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Банк мутахассислари, тадбиркор аёллар, кичик бизнес билан шуғулланиш истагидаги ёшлар иштирок этган тадбирда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, бу борада "Тадбиркор аёл" уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, банк кредитларидан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

"Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган қизларнинг кредит олишига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Тадбиркорликни йўлга қўйиш, солиқ қончилиги, хусусий секторга берилаётган имтиёз ва преференциялар, банк кредитларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича ўтказилаётган тадбир ва учрашувларда зарур маслаҳат ва тавсиялар берилаётди.

"Тадбиркорлик – фаровонликка йўл", "Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда банкнинг иштироки", "Солиқ, имтиёз ва имкониятлар" мавзуларида маърузалар тинланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олди. Тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган тикку ва трикотаж маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ВОҲИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА



Фарғона вилоятида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, китоб тақдиротлари, адабий кечалар бўлиб ўтмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори замонавий ўзбек адабиётининг йирик вакили ижодий меросини кенг ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда инсон қалбидаги нозик туйғуларни, халқимизга хос орият ва ғурурни, озодлик ҳамда истиқлолни ўзининг гўзал шеър ва дostonларида юксак маҳорат билан ифодалаган Ўзбекистон халқ шои-

ри Эркин Воҳидовнинг китоблари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Зеро, шоир ўзликни англаш, миллий ғурур-ифтихор туйғуларини юксак пардаларда тараннум этади, ҳар биримизни бахт ва шодлик, тинчлик-хотиржамликни қадрлашга, чин инсоний фазилатлар соҳиби бўлишга undайди.

Э.Воҳидов "Тонг нафаси", "Кўшигим сизга",

"Ақл ва юрак", "Менинг юлдузим", "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб" каби шеърини тўпламлари, "Нидо", "Қуёш маскани", "Рухлар исёни", "Кўхинуру" каби дostonлари, "Олтин девор", "Истанбул фожияси" сингари саҳна асарлари, "Сўз латофати" бадийий рисоласи, жаҳон адабиётининг мумтоз намояндalари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратган шоирлардан биридир.

– Эркин Воҳидовнинг ҳаёт йўли, бетақроор ижоди халқимиз, айниқса, ёш авлод учун ибрат мактабидир, – дейди Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Файзулло Зоҳидов. – Унинг ижодида Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари, тинчлик, ҳурлик, адолат, саховат каби эзгу фазилатлар тараннум этилган. Айни кунларда шаҳар

ва туманларда шоир таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адблар, олимлар, санъаткорлар иштирокда учрашувлар, илмий конференциялар, адабий кечалар ўтказилмоқда.

Эркин Воҳидов 3-синфгача Оптириқ туманида ўқиган. У ўқиган мактаб негизда қад рoстлаган 3-умумий ўрта таълим мактабидa мингдан ортққ ёшлар замонавий шароитларда таълим-тарбия олмақда. Замон талаблари асосида жиҳозланган мактаб эшигидан киришингиз билан сеvimчи шоиримизнинг катта портретига, унинг китоблари суратларига кўзингиз тушади. Мактабда "Эркин Воҳидов санфи" ташкил этилган, шунингдек, ҳар бир синфда ривзий равишда "Эркин Воҳидов партаси" бор. Адабиёт дарсларида Эркин Воҳидов ҳақида беш-олти дақиқалик маънавий суҳбатлари ўтказилиб, ким шоир ижодидан анги нарса ўқиган ёки янги маълумотга эга бўлган бўлса, ўша ўқувчига ана шу партага ўтиришга руҳсат этилади. Бу партада ўтиришни барча ўқувчи орзу қилади ва шунга муносиб бўлишга интилади. Буни ўзи учун юксак шараф деб билади.

Эркин Воҳидов ўзининг сермазмун, бадийий юксак шеър ва дostonлари, драматик асарларида юртимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғуларини юксак маҳорат билан тараннум этган. Шоир ижоди миллий руҳи, халқчиллиги, ҳаётийлиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, Муқимжон ҚОДИРОВ (сурат), ЎзА

**...1948 йилнинг 25 сентябрида Дашт қишлоғилик Жаҳонгир Бобоев ва Қурбоний Абдурахмонова оиласида ўғил фарзанд дунёга келди. Боши тошдан бўлсин, деб унга Тошбой деб исм беришди. Оиланинг тўнғичи Тошбой соғлом ўсиб-улғайди, камолга етди. Укалари Нурилло, Ғайбулло, кенжа Зиёда Бобоевлар оиласига қувонч келтирди. Жаҳонгир бобо фарзандларини меҳнатсевар, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялади.**

## БАХТ КАЛИТИ

Тошбой 19 ёшида Қашқадарё механизация ишлари Қарши қурилишда иш бошлади. Малакали мутахассислардан қурилиш сирларини ўрганди. Каттагина тажриба орттиргач, проба, уястка бошлиғи, муҳандис ва бош муҳандис вазифаларида ишлади. Бу орада Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари (ҳозирги Тошкент Ирригация ва мелиорация институти) олийгоҳини тугаллаб, муҳандис-гидротехник мутахассиси бўлди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. 1984-1999 йиллари раҳбарлик лавозимларида ишлаб, бунёдкорлик ишларида ўзини кўрсатди. Қашқадарё насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, кейинчалик Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган пайтларида вилоятда қишлоқ

хўжалик экинларини насослар орқали кафолатли сув билан таъминлашга катта ҳисса қўшди. Қишлоқ хўжалик экинларини кўшимча сув билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилди.

**Орифназар Имомназаров, "Насаф махсус сув қурилиш таъмирсозлаш" МЧЖ бошқаруви раиси:**

– Эсимда, 2007-2011 йилларда вилоятда кузатишган сув танқислигини бартараф этиш мақсадида коллекторлардан сув олиш учун 200 дан ортққ ҳар хил турдаги насос агрегатлари ўрнатилиб, 30-40 кубометргача қўшимча сув чиқаришга эришилгани тўғрисида қишлоқ хўжалик экинлари етарли миқдорда сув билан таъминланди. Шу йили баракали ҳосил олинди, кўзланган натижага эришилди. Тошбой Жаҳонгировни вилоятнинг 120 гектардаги қишлоқ хўжалик экинларини насос станциялари орқали кафолатли сув билан таъминлашга катта ҳисса қўшган фидойи инсон сифатида биламан.

### Фахрийлар – фахримиз

Қарши гидроузели, Эски анҳор канали қурилишларида, сув етишмайдиган жойларга артезиан қудуқлари қазилиб, сув чиқаришда фаол иштирок этди. Бугун ҳам камтар, ўта мулоҳазали, етти ўлчаб бир кесадиган моҳир раҳбарини барча бирдек ҳурмат қилади.

**Меҳнат фахрийси, "Меҳнат суҳрати" ордени нишондори Муҳаммади Рўзиев:**

– Чаққон, камтарин, сергайрат йигит қабулимга кирди. Қурилиш бўйича бирикки савол бергандим, жавоб қайтарди. Бу йигитдан келгусида яхши мутахассис чиқишига ишониб, хато қилмаган эканман. 1987 йилгача вилоятда 48 та насос станциялари ва 14 та сув омборлари қурилди. Тошбой Жаҳонгиров сув иншоотлари қурилишларида фаол иштирок этди.

Тошбой Жаҳонгиров айна пайтда нафақада. У турмуш ўртоғи Тўхфа Норбадалова билан фарзандларини жамиятимизга керакли инсон қилиб камолга етказди.

Шавкат СУЛТОНОВ, "Оила ва жамият" мухбири

# МУСТАҲКАМ ОИЛАДА СОҒЛОМ АВЛОД УЛФАЯДА

ёхуд ноқонуний никоҳ оқибатлари хусусида

*Гарчи олис бўлса-да, яқинлар соғинчи чорлайвераркан. Шу баҳона бўлди-ю, мен ҳам Сурхон томонга отландим. Сафарга энгил машинада чиққаним учун йўл-йўлакай ҳамроҳларим билан гурунчимиз анча қизиди. Ўртада суҳбат ўзани айрим ёш оилаларнинг масъулиятсизлигига бориб тақалди-ю, ёнимда ўтирган аёлнинг дард дастурхони очилди.*

Ўзини Ирода деб таништирган аёл икки йил бурун қизини Бухорога узатганини айтиб гап бошлади: "Тўйдан олдин қонуний никоҳдан ўтишга куёвнинг ота-онаси рози бўлмади. Чунки уларнинг одағига кўра келин фарзанд кўриб, бир-икки йил синалмагунча никоҳ шартномаси тузилмас экан. Хуллас, уй-жойи, яшаш турмуши яхшилигини кўриб, тўйга розилик бердик. Бир йил ўтиб, қизим фарзандли бўлди, никоҳ шартномаси тузилмади. Кейин билсак, куёв икки марта оила қурган экан. Ҳатто, биринчи оиласидан фарзанди ҳам бор экан. Буни эшитгач, қизимнинг эри ва қайнонаси билан можароси кўпайди ва ахйир, ажрашишга қарор қилди. Қизим фарзандини боқиш учун ўзини ҳар ишга уриб кўрди, бўлмади. Алимент талаб қилмоқчи бўлгандик, қонуний никоҳда бўлмагани боис аризамизни рад этти. Мана, биргина хатомиз учун қанча азият чекапмиз. Ҳаммасидан ҳам отасиз қатта бўлаётган набирамга ачинаман".

Гани бежиз бу воқеадан бошламадим. Негаки, айни пайтда ноқонуний никоҳ оқибатида кўплай муаммолар келиб чиқатгани бор гап. Бу ҳолатдан, айниқса, болаларнинг азият чекаётгани ачинарлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат томонидан ҳимояланган ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг эркин келишувига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган» дейилган.

Мустақил диёримизда аёлларга берилаётган юксак эътибор алоҳида эътирофга лойиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган қатор ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга оширишда аёлларимизнинг беқиёс ўрни бор. Яқиндагина йигирма тўрт йиллиги нишонланган асосий қонунимиз – Конституцияда мустақамлаб кўйилгандек, аёллар эрақлар каби тенг ҳуқуққа эгадирлар. Жамиятда аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган, аммо шу билан бирга уларнинг нозик ҳусусати, ўзига хос руҳий-психологик хусусиятлари, ҳаётимиз давомидаги, фарзандлар камолоти, тарбиясидаги ўрни эътиборга олинган, аёл эртини эъзозлаш, асраб-авайлаш, қадрлаш тамойиллари ҳам назардан четда қолмаган.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида алоҳида белгилаб кўйилган вазифалар ва уларнинг ижроси сарҳисоб қилинаётган, шунингдек, янги мақсадлар ҳамда ташаббуслар режаси тузилаётган бир паллада жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, шу қатори, ФХДЭ идоралари ходимлари ҳам ўз фаолиятимизни таҳлил этипмиз, қилинган ишлар ва амалга ошмай қолган айрим режаларни янада пухта қилиш, келгусидаги вазифаларимизни белгилаш тараддудидамиз. Асосий вазифаларимиздан бири – оила институтининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш ва шу орқали балоғатга етмаганлар ўртасидаги туғруқларни бартараф этиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, шаръий никоҳ асосидаги қўш хотинлилик ҳолатларига йўл қўймастик, оилавий ажримлар, қўйди-чиқдилар сонини камайтиришдан иборат.


Ҳўш, оила мустақам бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак? Бунинг учун, энг аввало, никоҳ оstonасида турган икки ёшнинг саломатлигига эътибор қаратиш жоиз.

...Бир оила 5 йилдан буён шаръий никоҳ асосида оила қуриб яшаб келаётганди. Ўртада 2

Шунингдек, "Оила" кодексига ҳам никоҳланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам белгилаб қўйилган. Табиийки, қонуний никоҳдан ўтган ҳар бир шахс нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқини таъминлайди, балки эр ёки хотин, шу билан бирга ота-она сифатида бурч ва масъулиятини англайди. Шу тариқа у оила аъзоларининг тақдирига жавобгар эканини, биргина қалтис қарор ёки ҳаракат оиласининг бузилишига ва ўртада фарзанднинг келажакига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳис қилиб яшайди. Қонуний никоҳдан ўтмаган оилада тинчлик бўлмади, ишонсизлик келиб чиқиши натижасида бу ҳолат кўпинча ажралишларга олиб келади. Никоҳсиз фарзанд отаси бор тирик етимлар қаторида туради. Она эса ёлғиз она сифатида маҳаллада рўйхатга олинади. Бунинг барчаси оила ҳуқуқи ҳақидаги ҳуқуқий билимларимизнинг пастлиги, турмушга масъулиятсиз қараш ҳисобланади.

– Тажрибамдан маълумки, баъзида қизларимизни эрта турмушга узатиш ҳолатлари ҳам кузатиляпти, – дейди Самарқанд шаҳар 1- ФХДЭ бўлими инспектори Шоира Мамадалиева. – Ваҳоланки, никоҳ томонларнинг ўзаро розилиги асосида тузилиши лозим. Розилик ота-оналарнинг ёки қариндошларнинг мажбурияти ёки алдови оқибатида берилган бўлса, ихтиёрийлик тамойили бузилганлиги учун, бундай никоҳ ҳақиқи эмас, деб топилади. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг турмушга чиқишига

Давлат дастури амалда



тўсқинлик қилиш жиноят ҳисобланади. Ёки бўлмаса, фарзанднинг руҳий, ирсий касалликка чалингани туфайли турли сабабларни баҳона қилиб, никоҳ шартномасини кечиктириш ва тиббий қўриқдан ўтмаслик оқибатида ҳатто носоғлом фарзандлар дунёга келаётгани ачинарли ҳолдир. Бу эса никоҳланувчи шахсларнинг тиббий қўриқдан ўтиши мажбурийлиги қонуний никоҳнинг афзаллигини яна бир қарра исботлайди. Ваҳоланки, бундай афзалликларни биз яна эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлашуви ҳамда шахсий ва мулкий ҳуқуқларнинг тартибга солинишида ҳам кўришимиз мумкин.

Оила – давлатнинг асоси, шахснинг ўз-ўзини намоеъ этишида, инсонийлик фазилатларини эгаллашда етакчи аҳамиятга эга. Маънавиятди, тарбияли шахс ҳар томонлама барқарор, маънавиятли оила муҳитида шаклланади. Тарбия учун масъулият эса, аввало, оилага юкланади. Шу сабабли оиланинг бош тарбиячилик мавқеини кўтариш ҳамда ноқонуний никоҳнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёш йигит-қизлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида эрта турмуш қуриш ва ноқонуний никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш олиб боришда маҳалла ва жамоатчиликнинг таъсири кучли.

– Бу борада барча ФХДЭ бўлимлари

ҳамда вилоят Адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёш оила қурувчилар" маркази фаолияти самарали кечяпти, – дейди Шоира Мамадалиева. – Ҳар ойда бир марта жойлардаги маҳаллалар, касб-хунар коллежи ва лицейларда ёшларга никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, бунинг афзал жиҳатлари, тиббий қўриқнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигининг ёш оилаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишидаги аҳамияти ва, энг муҳими, ота-оналик ҳақиқи, унинг мажбуриятлари, бола ҳуқуқлари каби мавзуларда семинар-тренинглар, дара суҳбатлари ўтказамиз.

Қонунда никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белги-лангани ноқонуний никоҳнинг олди олинаётгани аҳамиятлидир. Бундай ноқонуний фаолият билан шугулланган дин пешволари энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача жаримага тортилган.

Ҳа, мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларнинг розилиги билан уларни никоҳлаш оиланинг мустақамлигини таъминлайди. Мустақам оила эса тинч ва фаровон ҳаёт кечиради. Бундай соғлом муҳит ҳужум қўрган фарзандлар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб ўсади.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

нафар фарзанди бор. Бу эр-хотин ФХДЭ бўлимига қонуний никоҳни расмийлаштириш учун ариза беришди. Тиббий қўриқдан ўтиш учун йўлланма бердик. Улар эса: "Биз ахир беш йилдан буён бирга яшаб келамиз, тиббий қўриқдан ўтишимиз шартмаску, ортиқча югур-югурларсиз никоҳимизни тезлатиб қайд қилиб бера қолинг", – дея аччиқ қилиб қичиб кетишди. Орадан 20 кунча ўтгач, идорамизга кириб келган эри: "Уэр, опа сизни хафа қилиб кетгандим, яхшиямки шу тиббий қўриқдан ўтказиш йўлга қўйилган экан, аёлимнинг ўпкасида кучли шамоллаши бор экан, агар бироз беэътибор бўлганимизда сил касаллиги келиб чиқиш эҳтимолини аниқлашди шифокорлар, аёлимни ўз вақтида олиб борибман, даволанса соғайиб кетади, дейишди. Оиланинг мустақамлиги учун болаларимнинг онасини бор имкониятларини ишга солиб даволатаман", – дея миннатдорлик билдирди.

Келгусида оилада туғилажак фарзандларни тарбиялаш оладиган даражада маънавий-ахлоқий, диний-дунёвий билимларга эга, уларни иқтисодий томондан таъминлай оладиган ота-она бўлиш учун эса албатта бирор касб-хунарнинг этагини тутиш лозим. Ота-оналар, айниқса, қизларининг ўқишига, бирор касб-кор соҳибаси бўлишига алоҳида эътибор беришлари керак. "Қиз бола ўқиб қаерга ҳам боради, яхши жойга узатсак, эри боқиб олади-да!", қабилида фикрлайдиган ота-оналар афсуски, ҳозир ҳам учраб турибди. Қани энди ҳамма қизлар борган жойида тид-

ниб-тинчиб, бекаму кўст яшаса! Аммо бу – ҳаёт! Инсон бошида яхши-ёмон кунлар бор. Шундай вазиятларда ўзини йўқотмаслик, иродасини, куч-ғайратини жамлаб яшашда давом этиш учун ҳам аёлга маълумот керак, касб-хунар керак.

Биринчи Президентимиз бошлаб берган эзгу аъналарга мувофиқ, 2017 йил – "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йили деб эълон қилинди. Бу борада ҳали ҳукумат қарорлари ва тегишли дастурлар ҳам эълон қилинади, албатта. Бироқ, кўпчилигимиз "халқ билан мулоқот", "инсон манфаатлари" тушунчалари асосида ётган мақсад-вазифалар ва эзгу гоёларни аллақачон англаб, мағзини қақишга, ўзимиз учун зарур хулосалар чиқаришига улгурдик, назаримда. Айнан адлия идоралари халқ билан мулоқотни кенгайтириш, фуқаролар билан янада яқин мулоқотга киришиш орқали оила ва никоҳ билан боғлиқ кўплай муаммоларни ҳал этиш, жамиятда соғлом маънавий муҳитни яратиш ва уни мустақамлашга эришиши мумкин. "Инсон манфаатлари" тушунчаси асосида эса, ҳеч шубҳасиз, оила манфаатлари, яъни она ва бола манфаатлари ётади. Инсон омилига эътибор, унинг манфаатларига эътибор масаласи, шубҳасиз, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ислохотларни, эзгу ташаббусларни давом эттиришга чорлайди.

Шоира АБДУЛЛАЕВА,  
Наманган вилояти Адлия бошқармаси  
ҳузуридаги вилоят ФХДЭ архиви мудираси

## Оғриқли нуқта

сўрадинглар, бўлмаса нақд портлаб кетгудек бўлиб турувдим. Келинимни ўзим йўлга солиб, оилага ҳурмат, катталарга эҳтиром, андиша деган нарсаларни ўргатиб оламан, — деб вазиятни юмшатди.

Янаям у босиқ аёл экан. "Тўйни тўхтатаман, менга бунақа масҳара келин керакмас", деб туриб олганда

**Бугун юртимиз оналари — эъзозли, бахтли, соодатли. Мамлакатимизда уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустақкамлаш борасида олиб борилаётган ишларга дунё аҳли ҳам тан бермоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимларини юксалтириш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.**

Конституциямизда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли экани, алоҳида қайд этилган. Бу дегани — аёлларимиз, қизларимизнинг ижтимоий, сиёсий эркинликларини кафолатлаш билан бирга, ҳар бир она ўз оиласида соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда, фарзандлари, неваралари тарбиясини янада яхшилашда жамият олдида масъул шахслардан бири эканини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбиясига алоҳида тўхталиб: "Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушрўк ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қўлқо солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур", деган фикрларни қуюнчақлик билан айтиб ўтди.

Бу фикрлар мамлакатимизда яшаётган ҳар бир ота-она, ҳар бир бобо-бувиға фарзандлари тарбияси борасида дастуриламал бўлмоғи шарт.

Аммо оналарнинг барчаси ҳам ўз бурчи ва масъулиятини ҳис этаётганими? Афсуски, айрим оналар қизлари билан суҳбатлашиб, уларни тўғри йўлга солиш ўрнига гап-гаштаклар, ўткинчи орзу-хавасларга ундаётгани ҳам бор гап.

Яқинда бир танишим қуйидаги воқеани айтиб берди:

"Бир дугонан "гап ўртоқлари" зиёфатиға мени ҳам олиб борди. Дастурхон жуда тўкин. Салқин ичимликлар ёнига спиртлилари ҳам қўйилган. "Аёлларнинг зиёфатида ҳам дастурхонга спиртли ичимлик қўйиш урфа кирди-да", деган афсусли бир ўй хаёлимдан ўтиб улгурмай, ёши олтишларга борган опахон: "Очмайсизларми? Бу зормандасиз зиёфат зиёфат бўладими?", деб шишага ишора қилди. Қадаҳлар тўлдирилди. Менинг бундай ичимликлар ичмаслигимни эшитган опахон: "Биз билан бир-икки даврадош бўлсангиз, кўникиб кетасиз. Бу ерга ишдаги, уйимиздаги ташвишлардан халос бўлиб, мириқиб

# ОНАЛИК - БАХТ, ОНАЛИК - МАСЪУЛИЯТ!

дам олгани келганмиз. Ичмайдиганларга оранимизда жой йўқ!", деди қатъий оҳангда.

Даврада бемаза аскиялар, бўлмагур гийбатлар авж олди. Зиёфатнинг охиригача ўтиролмадим. Ишим борлигини баҳона қилиб, жўнаб кетдим. Шундан бери кўнглим гаш. Ичкилик ичишни "мириқиб дам олиш" деб билаётган бу аёллар уйига нима деб боришади? Фарзандлари, келин-қизларининг олдида ўзларини қандай тутишади? Энг ёмони, уларнинг ҳаммаси туриш-турмуши билан бошқаларга ўрнак бўладиган ёшда-ку!"

Афсуски, бугун оналар ўртасида мана шундай ҳолатларга

дан ошириб ташлаб, бутун баданини қимирлатиб, куёвга очиқ-ошқора муқом қила кетди-ку... Куёв шўрлик бир оқаради, бир қизаради, денг. Маст-аласт оналари эса келинчакнинг атрофини ўраб, жунунаш чапак чалишди. Бир-иккита йигитлар телефонида тасвирга ҳам ола бошлади. Даврада қийқириқ авжига чиқди.

Қизнинг онасига: "Бориб айтинг, бас қилсин!", десак, "Қўяверинглар, ўзи шунақа ўйинчи. Бир маза қилиб рақсга тушсин", дейди... Унинг овозида уялишдан кўра, гурурланиш ифодаси кучлироқ эди. Тилимизни тишладик...

Шу пайт куёвнинг онаси санъаткорларга яқинлашиб, жаҳл билан ниманидир тушунтирди. Мусиқа авж пардасида тўхтади! Даврани бошқариб турган йигит меҳмонлардан ўз жойига ўтириб олишини илтимос қилди. Тўй давом этди. Аммо қайнонанинг чиройи очилмади. Қудамизнинг аччиғи чиққани бизга маълум эди. Шу боис минг хижолат билан уни чеккага чақириб, қизимизнинг "беадаблиғи" учун узр сўрадик.

— Менинг ҳам орзу-хавасим бор, — деди қўда хотин. — Бу ерга йиғилганлар ака-укаларим, қайин-бўйинларим. Ана юқоридаги столда қайнотам ўтирибдилар. Невара келинининг ўртада қилпанглаб



дуч келяяпмиз. Тўғри, улар жуда кўп эмас. Аммо гоҳ у, гоҳ бу давраларда учраб турибди-да. Уша аёлларнинг ҳам ўғил-қизлари, келинлари бор. Онасининг юриши шу бўлса, таълим муассасалари ёки маҳалла фаоллари томонидан тарбия масаласида ўғил-қизига айтилган насихат қор қилармикан?..

"Фалончи опахоннинг тамаки тутатаётганини кўриб, ҳавас қилиб, чекишни ўрганганман", деган эди бир қиз. Хўш, уша даврадаги аёлларга ҳавас қилиб, уларнинг қизлари, келинлари, неваралари ичкиликни ўрганса, номаъқул ишлар қила бошласа ва оила нафақат оила, ҳатто жамият бундан зарар кўрса, кимни айбдор деймиз?..

\*\*\*

— Қиз боланинг ўз тўйида масҳара бўлиши жуда хунук экан, — дейди Назирахон исмли ая. — Яқинда узокроқ қариндошимизнинг қизини узатишиб бордик. Қудалар эҳтиром билан кутиб олишди. Даврада хурсандчилик...

Тўйнинг ўртасида жўралари куёвни уйинга тортишди. Босиққина йигит экан. Бироз рақсга тушгач, келинчакнинг ёнига бориб ўтирди. Аммо, маст ошна-оғайнилари тихирлик қилиб, яна уни даврага чорлашди. Унга қўшиб қизимизни ҳам ўртага олиб чиқишди. Ҳамама томоша шундан кейин бошланди. Ўзи шўхгина бўлган қизимиз курмагур ҳеч тортинмай уйинга тушиб кетса бўладими! Уйнаганда ҳам оддийроқ ўйнаса майли эди-я, юзидаги келинлик пардасини шарт боши-

(айнан шундай деди)  
уйнаётганини кўриб, кап-катта одам ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Келинимнинг онасида уят йўқми?! Шарт бориб, қизини жойига ўтказиб қўймайди! Ёшлар ўйин-қулгини яхши кўришини тушунаман. Аммо келиним тўйи ўтгунча бир-икки соатга ўзини босиб турса бўларди. Муқомларини қаранг, ўзбекчиликка сираям тўғри келмайди-я... Охири, сабрим чидамади. Санъаткорларга: "Менинг келиним бир гала маст-аластнинг ўртасида масҳара бўлмайди! Ҳозироқ мусиқангни ўчирмасанг, тўйни тўхтатаман", дедим.

Қуда хотиннинг гинаси ўринли эди. Нима деярмизми билмай, уятдан тилимизни тишлаб, миқ этмай туравердик. Ниҳоят унинг ўзи:

— Майли, сизларда ҳам айб йўқ. Ҳозир биров-бировнинг боласига дашном беролмайди. Андишали одамлар экансизлар, яхшиям, келиб кўнги



Унга жавобан дугонаси ҳозир кўпчилик оналар шундай қилаётганини айтди. Тўғриси, бирдан кайфиятим кўтарилди. Ўз масъулиятини яхши англаётган бундай оналар орамизда жуда кўп. Улар шундоқ ёнимизда — маҳаллаларда яшайди. Уларнинг илгор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида таълим муассасалари ва маҳаллалар ҳамкорлигида "Энг намунали Она", "Энг билимли фарзанднинг Онаси" каби танловларини ўтказиш масаласини ҳам ўйлаб кўрсак, ёмон бўлмасди.


Шунингдек, қизларни ҳаётга тайёролаш баробарида, оналик масъулиятини янада яхшироқ ҳис этишлари учун аёлларимиз ўртасида маънавий-маърифий суҳбатларни янада кучайтиришимиз, Олимпиада ўйинлари галиб ва совриндорларини, санъат, фан ва таълим соҳасида ютуқларга эришган ёшларимизни тарбиялаб, вояга етказган оналарнинг турмуш тарзи, таърибларини кенгроқ тарғиб этишимиз керакка ўхшайди. Чунки фарзандларимизга ташқаридан берилган минг ўғитдан кўра, ўз ота-онасининг бир оғиз маслаҳати, ўзини тутишидаги ибрати яхшироқ таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса ота-онанинг ўзи маънавиятли бўлиши шарт!

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,  
журналист

# "ҚЎРҚСА, ҲУРМАТ ҚИЛАДИ"МИ?..

Огоҳлик сабоқлари

ёхуд виртуал оламдаги "Алавастижон"га очик хат



## ЧИРОЙЛИ ИСМИНГ БОРДИР-А?..

Салом, "Алавастижон"! Очиги, сени шундай аташга тилим ҳам бормай турибди. Ота-онанг кўйган чиройли исминг бордир-а? Эҳтимол Анваржон, Нодиржон ё Комилжондирсан? Чиройли исмингдан воз кечиб, аллақандай ваҳимали ном олишга сени нима мажбур қилди экан-а? Ахир ижтимоий тармоқларда ўз исмлари билан чиқиб, бир-бирлари билан турли мавзуларда фикр, тажриба алмашаётган тенгдошларинг қанча... Сенинг ёзганларинг эса...

Профилингни кўриб, "Ҳурматталаб Алвасти" деган мультфильм ёдимга тушиб кетди. Эҳтимол сен ҳам айнан шу мультфильмдан "илхом"лангандирсан? Ҳа, ўша, Ялмоғизга машҳур қизиқчимиз овоз берган, "Алавастижо-о-н, қаердасан, қоранг ўчгур..." деб бошланадиган машҳур мультфильм...

## ҚУТҚУ ВА МУДДАО

Интернетдан шу фильмни топиб, ҳамкасбаримни ҳайратлангирганча (аввал "ёш боламисиз?" деб кулишдию сўнг "яхши олинган-да, ўзи..." деб ўзлари ҳам мониторга термулди қолишди) диққат билан қайта кўриб чиқдим.

Эсингдами, ўрмонда излай-излай бир амаллаб Алвастини топиб олган Ялмоғиз уни авраганча ўз муддаосига етмоқчи бўлади:

- Ҳалиги Иванушка бор-ку, сен тўрингда ёмон гапирди. Алвастигдан кўрқмайман, деди...
- Кўрқмаса, кўрқмаса, – дейди соддадил Алвасти бамайлихотир.
- Нега ундай дейсан? – дейди Алвасти жигибийрон бўлиб. – Кўрқмаса, ҳурмат қилмайди сени...
- Ҳа-а, – дейди унинг қутқусига лаққа тушган Алвасти оғир тин олиб. – Ҳурмат қилмаслиги ёмон...

*Ижтимоий тармоқлардан бирида "Алавастижон" деб профил очган укамизнинг ёзишмаларига дуч келдим. Виртуал оламда ўзини шундай бемаъни ном билан атаган бу ўсмирнинг (алмоий-алжойи "битик"ларидан) ҳали ғўрлиги шундоққина кўрииб турибди) қилиги ғалати туюлди. Профилдаги суратларига ҳам алвастинамо аллақандай махлуқларнинг суратларини жойлаб қўйибди.*

*Шундан сўнг менда унга мана шу очик хатни ёзиш фикри туғилди...*

## "ҲАР ҲОЛДА БИЗ ЭРКАКЛАРИМИЗ..."

Мунозара шу тарзда давом этади. Алвасти "Иванушкани кўрқитиш" учун Ялмоғизнинг талаби билан бутун ўрмонни ларзага солиб дахшатли тарзда қичкиради. Аммо "бююртмачи"нинг кўнгли тўлмайди. Алвастини яна аврай бошлайди:

– Бунақада сени ким ҳам ҳурмат қиларди, ер юткур?! Сен яхшиси, Ўлмас Кашшей бўла қолгин? Алёнушкани кўлга олсак, Иванушка ўз оёғи билан келади.

...Соддадил Алвасти ва унинг дўсти Қуён Ялмоғиздан Иванушка унга нима учун кераклигини сўрашади.

– Печкага тикаман, – дейди Ялмоғиз тамшаниб. – Пишириб ейман!

Икковлон яна аччиқланиб Ялмоғизга ташланишади.

– Сиз бизни алдадингиз, – дейди Қуён ғазаб билан. – Сиз бизнинг соддалигимиздан фойдаланиб, Иванушкани кўлга тушироқчи бўлдингиз. Йўқол, жодугар!

## СЕН БИЛАН

### ХИСОБЛАШИМАСА...

...Роса майдалаб болалар кўрадиган оддий мультфильм тафсилотларини ёзишимнинг сабаби бор, укам.

Биламан, сен ҳам бошқалар ҳурмат қилишларини жуда хоҳлайсан. Бу табиий. Барча тенгдошларингда бўладиган ҳолат. Психолог олимларнинг қайд этишича, бу даврда сен каби ўсмирлар бахтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топмаган ҳолатда бўласизлар. Ўзингнинг қобилият ва кучингни тўғри баҳоламай туриб, мураккаб ҳаётни масалаларни ҳал қилишга уринасан, аммо фикр юритиш қобилиятинг юзак бўлганлиги сабабли кундалик ҳаётда қатор камчиликларга йўл қўясан. Лекин ўз хатоингни тан олишдан кўра катталар



билан бахслашишни афзал биласан. Танқид қилган кишиларни ёқтирмайсан. Ҳар бир танқид гўёки сени менсимаслик белгиси, атайин қилинаётган иш бўлиб кўринади.

Бу даврда мустақил, ўзбошимчалик билан иш тутишга уринасан, катталарнинг маслаҳатига эътибор бермайсан. Ҳатто айрим тенгдошларинг сингари "катта бўлиб қолган"ингни исботлаш учун ичиш, чекиш, қартабозлик сингари бир қатор зарарли одатларни ҳам ўргана бошлагандирсан эҳтимол...

Ўзинг аввал бажонидил бажарган талабларга энди қаршилиқ кўрсата бошлайсан: мустақиллигингни чеклашганларидан, васийлик қилишганида, йўналтиришганида, назорат қилишганида, қўлоқ солишни талаб қилишганида, жазолашганида, қизиқишларинг, муносабатларинг ва фикр-мулоҳазаларинг билан ҳисоблашишмаганида хафа бўлиб, норозилик билдирасан.

Сени ўз шахсинг ҳақидаги фикрлар кўпроқ қизиқтиради, катталар ҳуқуқларини ўзингча чеклайсан, ўзингникини эса кенгайтирасан. Катталарнинг ўз шахсинг ва инсонийлик қадрингни ҳурмат қилишларини хоҳлайсан. Ишонч ва мустақилликни намоеъ этишга даъво қиласан. Яъни катталар билан маълум тенг ҳуқуқлилиққа ва уларнинг шу нарсани тан олишларига эришишга ҳаракат қиласан. Кимгадир тақлидан, кимларгадир билиб-билмай эргашиб кетасан.

## "ЎЗИНГ ХОН, КЎЛАНКАНГ МАЙДОН"...

Ва ниҳоят... Катта бўлиб қолганингни атрофдагиларга тан олдиришинг уддасидан чиқмасанг, виртуал олам уммонига шўнғийсан. Ундаги чексиз имконият ва эркинликлар "жозиба"си ўзига тортаверади-тортаверади. Ўз-ўзингга алламбало номлар, қиёфалар танлай-

сан, тармоқ аро кимларгадир тақлид, кимларгадир таҳдид қиласан. Ҳеч ким танбех бермайди, ҳеч ким чекламайди, гўё "ўзинг хон, кўланканг майдон"сан...

Энг ёмони, сен меҳр кўйган "жозибадор" олам ҳам Алвастининг ўрмонига ўхшайди. "Иванушкани кўрқитиш, Алёнушкага ёқиш" сингари бетайин истакларингга пишанг берадиган Ялмоғизлар ҳам тиқилиб ётибди бунда. Уларнинг мақсади аниқ – "печкага тиқиш"у "пишириб ейиш"... Бу йўлда сенга ўхшаганларни авраб, гоҳ Кашшейга, гоҳ баҳайбат ботқоқ махлуқига айлантириш чўт эмас уларга.

Энди тушундингми, нега оддий мультфильм ҳақида эзмаланиб гапирарман? Эътибор берсанг, бир ўринда соддадил Алвасти ёвуз жодугарнинг тақлифига қатъий эътироз билдириб: "Биз Алвастиимиз, Кашшей ҳам эмасми!" – дейди. Ўрмондаги Алвасти бўлса-да, ёвузликдан бўйин товлаб, ўзигини, ўз қиёфасини сақлаб қолишга интилади у...

## КОСА ТАГИДАГИ НИМКОСА

Ҳа, укажон, биламан, насихат қулонига ёқмайдиган ёшдасан. Аммо сабоқ оламан, десанг, оддий болалар "мультик"идан ҳам олишинг мумкин. Гап – "коса тагидаги нимкоса"ни англашда, холос.

Сўнги сўз ўрнида эса мультфильм ниҳоясидаги ҳулосани эслатиб қўймоқчиман сенга.

Пировардида мунгайиб қолган Алвасти шеригидан сўрайди:

- Иванушка мендан кўрқмаса, ҳурмат қилармикан?
- Эҳ, сени қараю, – дейди Қуён соддадил дўстининг гапларидан завқланиб. – Ҳурматли бўлиш учун кўрқитиш эмас, ҳурматга лойиқ бўлиш керак!

Нуриддин ЭҒАМОВ

*Кўпинча ноодатий ҳолатларга дуч келсак ёхуд кимнингдир бачкана қилигини кўрсак, менталитетимизга ёт экан, деймиз. Масалан, баъзи никоҳ тўйларда қизнинг отаси кўлидан тутиб, йиғит (кўё)га олиб бориши, ота билан фарзанднинг дастурхон атрофида спиртли ичимлик истеъмол қилиши... Ғарб халқлари одатларини уйимизга, тўйимизга олиб кираётганлар кўп-да!*

Менталитет лотинчадан олинган сўз бўлиб, "жамият, миллат, жамоа ва алоҳида шахснинг тарихий таркиб топан тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, инсоний қадр-қиммати, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қувватидир". Бу таърифдан унинг нақадар мураккаб эканлиги, миллат ва жамият ҳаётида улкан ўрин тутиши кўрииб турибди.

Аслида миллийлик соф ҳолда, алоҳида ажралиб турадиган нарса эмас. Миллат таркибида жуда кўплаб умуминсоний жиҳатлар, бошқа миллатларга

# МЕНТАЛИТЕТ НИМА?



ҳос бўлган ҳиссиётлар, кечинмалар, эҳтиёжлар, орзулар, одатлар, анъаналар мужассамлашган бўлади.

Ўзбек халқининг ноёб миллий менталитети бум-бўш жойда ёки гойибдан пайдо бўлган эмас. Миллий удум ва урф-одатларимиз минг йиллар ўт-оловда тобланиб, машаққатли турмуш синовларидан ўтиб муқимлашган. Шунинг учун энг серқирра ва мустаҳкам. "Авесто", "Қутадғу билиги", "Алпомиш" каби асарларни яратган халқимиз, инсониятнинг қадриятлар хазинаси бебаҳо улушларимиз билан бойиган.

Бугун ёшлар қалбида, онгида, тафаккурда миллий ғурурни, Ватан туйғусини ҳис этдилар, оиласи, хонадони, маҳалласини севишни англамоқда.

Юсуф ХАЛИМБЕТОВ

# ОИЛАНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН ОВСИН



— Эй Яратган Эгам! Келинимга биттагина тирноқ берсанг нима қиларди-я! — дея бўзлаб-бўзлаб йиғларди қайнонам.

Унинг илтижоларини эшитиб, бир чеккада мен ҳам кўз ёшларимни бировга кўрсатмай, унсизгина йиғлардим. Ахир Худойим бермас нима қилай. Менинг кўлимда эмас-ку.

Эримнинг аҳволи меникидан-да баттар эди. Чунки у мени севиб уйланиги учун доим гамхўрлик қилар, ҳар хил гап-сўзлардан аярди. Ажрашиб кетишни тасаввур ҳам қилолмасдик. Қайнонам бўлса ҳар гал намозидан сўнг Яратганга илтижо қилиб бизларга фарзанд тиларди.

Хўжайиним онасининг илтижоларини эшитиб, уйдан чиқиб кетди. Чидай олмади. Шу кетганча қош қорайганда уйга кириб келди. Оёғида зўрга турибди. Узиям алампидан сиқилиб, роса ичибди. Югургилаб бордим-да суюб, уйга олиб кирдим.

Қайнонам ўглининг аҳволини сездди, бироқ лом-ним демади.

Бироздан сўнг дарвозамиз тақиллаб қолди. Бориб эшикни очсам, қайнукам турмуш ўртоғи билан меҳмонга келишибди. Дарҳол уларни меҳмонхонага бошладим. Қайнонам уларни қўриб юзиде табассум пайдо бўлди. Хонтахта атрофига ўтирганимиздан сўнг қайнукам акасини сўради. Мен нима деб баҳона топишни билмасдан қайнонамга қарадим.

— Уйда, ухлаяпти. Анави захри қотилдан ичиб олганга ўхшайди. Эртага гаплашарсизлар. Ундан кўра дастурхонга қаранглр, олинглр, энглр.

— Она, ахир акажонимни соғиниб келдим. Бугун уни кўрмасам ухлай олмайман, — дея ҳазиллашиб қайнукам ичкарига кириб кетди.

Нимагадир анча пайтгача у ердан чиқмади. Мен бўлсам дарҳол меҳмонларга палов қилишга уннадим. Ҳайрият, ошни сузаётганимда ётоғимиздан ака-ука кучоқлашиб, кулиб чиқиб келишди. Ўша куни улар анча вақтгача чақ-чақлашиб ўтиришди. Эртаси куни уларни кузатиб қўйдик.

Орадан кўп вақт ўтмай овсиним биринчи фарзандига ҳомиладор бўлди. Бу гапни эшитиб мен ўзимдан уялиб кетдим. Ўзимни қўярга жой топмасдим. Унга ҳавасни келарди. Кўни-қўшиллар ўртасида гап топилиди. Дарвозамиз олдини супургани чиқсам қўшилларимиз менга қараб пичирлашаётганига кўзим тушиб, ичимдан зил кетардим. Чунки улар ҳамон мени ҳомиладор бўлмаётганимни ғийбат қилишарди. Тўққиз ойдан сўнг овсинимнинг кўзи ёриди. Хурсанд бўлганича қайнонам икаламиз уни кўргани туғруқхонага бордик. Овсиним қиз туғибди. Бир хафтадан сўнг унга рухсат беришди. Қайнонам "мен ўзим чилласини чиқариб бераман"

дея овсиним билан чақалоқни уйимизга олиб келди. Чақалоқни кўлимга олиб, уни тўйиб-тўйиб ҳидлагим келди. Бироқ овсинимдан истиҳола қилдим. Елиб-югуриб уларнинг хизматини қилдим.

Орадан бир ой ўтган, қайнукам хурсанд бўлганича дарвозадан шошилиб кирди.

— Онажон, менинг ишимни пойтахтга кўчиришди. Ташкентга кетаман.

— Шунга шунча ҳовлиқяпсанми? Мен бўлсам олтин топиб олибсанми деб ўйлабман, — дея қайнонам унинг гапидан кулди.

— Ундан кўра бугун битта ош дамланг. Сизнинг қўлингиздан ош егим келаяпти!

Қайнона-келин бирпасда паловни ҳам тайёрлаб, дастурхон атрофига ўтирдик. Шундан сўнг қайнукам шартта ўрнидан турди-да, бешикда пишиллагина ухлаб ётган қизалоғини ечиб, қўлига олиб, акасининг ёнига борди.

— Акажон, мана сизнинг қизингиз. Бундан бир йил олдин биринчи фарзанди туғилиши биланок сизга бераман, деб ваъда бергандим. Оилаларингиз бузилишини истамайман.

Турмуш ўртоғим ширингина ухлаб ётган гўдакни бағрига босганича унсиз йиғлаб юборди. Мен бўлсам хавотирланиб овсинимга қарадим. Унинг бу

гаплардан умуман хабари йўқ экан чоғи жавдираб ҳали эрига, ҳали қизалоғига қарайди.

Қайнукам бўлса аёлининг бирон нима деб қўйишидан чўчиди чоғи шартта унинг қўлиларидан тутиб, қайнонамнинг хонасига олиб кириб кетди. Мен ҳам хавотирланиб уларнинг орқасидан бориб, тўхтаб қолдим.

— Нимага? Нима учун? Ахир у фақат менинг болам! Бировга беришга нима ҳақингиз бор? Қандай қилиб болангизни бировга беришга кўзингиз қийди?" дея уни саволаб қўлига кўмиб ташлаб пиқиллаганча йиғларди овсиним.

— Жим, асалим, жим. Овзининг биров эшитмасин! Мен акамга ваъда берганман. Иккинчи бу гапларининг эшитмай. Мени севсанг, мени десанг, бунга кўникасан. Бўлди йиғлама, бўлди. Ахир боламиз бегоналарникида эмас, туғганимникида қолаяпти-ку. Улар боламизга биздан ҳам яхшироқ қарашади. Сен ҳам тушун мени. Агар ҳозир уларга боламизни бермасак, улар ажрашиб кетишади. Кейин ғийбатчилар акамни битта хотинни ҳам туғдиролмаганликда айблашади. Акам бир умр бошини кўтариб юролмайдди. Бўлди, асалим, йиғлама. Қани, битта қул-чи! Бўлди. Эрталаб пойтахтга кетамиз. Йўл тадоригини кўр!...

**Кунларнинг бири-да дарвозамиз қаттиқ тақиллаб қолди. Ҳайрон бўлганимча югуриб бориб дарвозани очдим. Остонада қайнукам ва овсиним кулиб туришарди. Овсинимнинг яна ҳомиладорлиги шундоққина билиниб турарди.**

## "Турмуш чорраҳаларида"

Ортиқ уларнинг гап-сўзларини эшитишга тоқатим қолмади. Секингина ошхонага чиқиб, чой дамлаб жойимга бориб ўтирдим. Қайнонам билан хўжайиним уйғониб кетган гўдакка чуғурлашиб нималардир деб гапиршарди.

Шундай қилиб Эртаси куни овсиним билан қайнукам Тошкентга йўл олишди. Хайрлашаётгани овсинимнинг кўзларида ёш кўрдим. Уни бағримга босганимча қулоғига шивирладим: "Болангиздан хавотир олманг. Ундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Хоҳлаган пайтингиз келиб олиб кетишингиз мумкин".

Бу гапларимдан сўнг унинг кўзлари қувончдан порлади. У ортига қарай-қарай кетди.

Орадан олти ой вақт ўтди. Қизалоғимиз Юлдуз ҳам эмалгайдиган бўлиб қолди. Унга бор меҳримни бердим. Нимагадир ота-онасидан дарақ йўқ эди. Фақатгина телефон қилиб туришарди ҳолос. Эҳтимол, биздан аразлаганмикин, деган хаёлларга ҳам бордим. Чунки тўққиз ой қорнида кўтариб юрган, юрагининг бир парчаси бўлган боласини ким ҳам шундоққина қўш-қўллаб овсинига бериб кетаверади. Фарзандидан айрилиб, кўникунича роса қийналгандир. Улар бизнинг бағримизни тўлдириб, ўзлариникини зимистон қилиб кетди-я. Овсинимнинг иродасига, матонатига қўйил қолдим.

Кунларнинг бирида дарвозамиз қаттиқ тақиллаб қолди. Ҳайрон бўлганимча югуриб бориб дарвозани очдим. Остонада қайнукам ва овсиним кулиб туришарди. Овсинимнинг яна ҳомиладорлиги шундоққина билиниб турарди. Қайнонам анчадан буён уларнинг келишга сўямиз, деб кўчқор боқтираётганди. Қассобни қақиртириб келиб, ўша кўчқорни сўйдирди. Овсиним қизалоғининг ёнида анча ўтирди. Унга тўйиб-тўйиб қаради. Уч-тўрт кундан сўнг улар яна ортларига қайтиб кетишди.

Кўп вақт ўтмай овсиним яна қиз туғди.

Орадан йиллар ўтди. Овсиним тўртта фарзандли бўлди. Худойим уларга бир этак фарзанд берди. Бу ньёматдан бизни ҳам бебаҳра қолдирмади. Ҳозир қизим Юлдуз институтда тахсил олади. Аммо ханузгача ўз онаси овсиним эканини билмайди.

Орамизда шундай мард, танти қайнукалар борлигига шўқр қиламан. Агар шундай бўлмаганида эди ажрашиб кетган бўлармик... Янаям билмадим. Мана шу фарзанд оиламизни сақлаб қолди.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

Кўп қаватли уйларнинг бирида фақиргина бир оила яшарди. Эр-хотин ва саккиз ёшли болакай. Отана кун бўйи ишда, бола эса уйда ёлғиз ўзи қоларди.

У ҳар куни олтинчи қават деразасидан пастга — болалар майдончасида велосипед миниб юрган тендошларига ҳавас билан термуларди.

У ҳам ўзининг шунақа велосипеди бўлишини орзу қиларди. Лекин оилада бу орзунин амалга ошириш учун на пул, на вақт ва ҳаттоки боланинг орзусини эшитадиган кимса ҳам йўқ эди. Болакай ўз орзусини ошқор қилса, ота-онасини қийнаб қўйишни англр, шунинг учун уларга лом-ним демади. Бир куни у онасининг: «Худо меҳрибон, чин дилдан нимаикни сўрасанг, албатта беради», деган сўзларини эслади ва шу он қоғоз, қалам ҳозирлади. Катта қоғозни юзлаб бўлақларга бўлди ва ҳар бир қоғоз парчасига: «Эй, Худойим, менга велосипед бер», деб ёзди. Болакай ўз орзуси ёзилган қоғоз парчаларини олтинчи қават



деразасидан ташқарига бирин-кетин иргита бошлади. У «Худого қоғозларимнинг бири бўлмаса, бири албатта етиб боради ва Унинг менга раҳми келиб, велосипед жўнатади», деб астойдил ишонди.

Кунлар ўтиб борар, бола ҳар куни одатий ишини такрорларди — қоғозчаларни деразадан сочарди.

Унинг хаёлини велосипед орзуси буткул эгаллаб олганди. Болакай қоғоз сочиб бўлгач, яна шу ишга шўнғирди. У бу юмушга дарслик дафтарларигача сарфлади. Болакай бошқа ҳамма нарсани унутиб, телбаларча қоғозларни йиртар, ёзар ва деразадан иргитарди. Баъзан қоғозларга ручка сиёҳига болакайнинг қоп-қора кўзларидан томчилаган ёшлар сингиб кетарди. Кунлар ўтаверарди, болакай ҳар куни тоғида: «Бугун Худого қоғозим етиб боради», деган умид билан янги руҳда ишини бошларди. Ниҳоят, бир куни эшик тақиллади. Болакай югуриб бориб, эшикни очди. Очди-ю, остона чиройли кийинган, чамаси қирқ беш ёшлардаги кимсани қўриб ҳайрон бўлди. Бегона одамнинг қўлида болакай чин дилдан орзулаган, ҳар оқшом тушларига кириб чиқадиган велосипед турарди. Нотаниш кимсанинг кўзларида мунгли табассум зоҳир эди. У енгил хўрсиниб велосипедни болага узатди.

— Қоғозинг Худого етиб борди, ўғлим, бу сенга. Миниб юр...

Болакай нима дейишни билмади. Ҳиммати зўр одам зина томон йўналаркан, бир-икки қадам ташлаб ортига ўғирлиди, кўзларида ёш кўринди.

У бор кучини тўплаб, деди:

— Энди Худодан бир мартагина «шу велосипедни олиб келган амакига ҳам фарзанд бер», деб сўрагин, хўми?!


**УМИД таржимаси**

## БАНАН ПЎСТЛОҒИ – САЛОМАТЛИК ЎЧОҒИ

Бананни еб бўлгандан сўнг пўстлоғини ташлаб юборишга шошилманг. Уни ерни ўғитлаш, пойабзаллар, кумуш буюмларни тозалаш, ҳатто баъзи касалликларни бартараф этиш ва олдини олишда қўллаш мумкин.

### ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРАДИ

Банан пўстлоғи қон босимини тушириб, юрак артериялари ва қон томирларини тозалайди, ичакларни юриштиради. Бунинг учун 50 гр. пўстлоқни қирғичдан чиқарасиз, идишга жойлаб, устидан иссиқ чай қуясиз. Бироз асал қўшиш мумкин. Бу мевали пюрени кунига икки марта овқатдан кейин қабул қилсангиз, қони фойда.



## бананни енг-у, пўстлоғини ташламанг

### ПСОРИАЗ ВА ХУСНБУЗАР

Псориаз терининг оғриб шўралаб кўчиши бўлиб, унинг белгиларини ва қуришини, оғригини камайтириш учун банан пўстлоғидан фойдаланиш мумкин. Пўстлоқнинг гўштли томони билан терининг зарарланган қисмини ишқаланг. Хуснбузар тошганда ҳам худди шу усулни қўлласангиз бўлади. Муолажани бир неча мартаба такрорлагач, натижасини яққол сезасиз.



### ТЕРИ УЧУН ФОЙДА

Банан пўстлоғида мавжуд бўлган минерал ва антиоксидантлар тери соғломлигини асрашда қўл келади. Унинг ички томони билан юз, бўйинни артинг. Терингиз намланиб, юзга тез ажин тушишининг олдини олган бўласиз.



### СЕПКИЛ КУЧЛИМИ ЁКИ ПЎСТЛОҚ?

Банан пўстлоғи юздаги сепкил, майда қора нуқталарни тозалайди. Битта банан пўстлоғини гўштмайдалагичдан чиқариб, битта тўхум оқи, бир ошқошқ лимон суви, бир неча томчи ўсимлик ёғи билан аралаштиринг. Бундай ниқоб юзни тозалаш, ҳорғинлик аломатларини йўқотади.



### ЯРА-ЧАҚАЛАРНИ БИТИРАДИ

Банан пўстлоғида мавжуд табиий ёғ ва ферментлар куёшдан куйишда, яра-чақалар, тирналган жойлардаги оғриқларни бартараф этишда қўл келиб, уларнинг тез битишига хизмат қилади. Чивин ва бошқа ҳашаротлар чаққанда кичишиш ва ачишиш, яллиғланишнинг олдини олади. Банан пўстлоғининг гўштли қисмини зарарланган жойга қўйиб боғлашингиз ёки яхшилаб артишингиз мумкин. Яра битиб кетгунча жараёни бир қунда камида бир марта такрорланг.



### ТИШЛАРНИ ОҚАРТИРАДИ

Тишларни одатдагидек тиш пастаси билан юйиб бўлганингиздан кейин банан пўстлоғининг ички оқ томони билан ҳам икки дақиқа мобайнида ишқаланг. Пўстлоқда мул бўлган калий, кальций, магний, марганец ва фосфор сингари минераллар тишларга фойда бўлиш билан бирга уларни оқартиришга ҳам ёрдам беради. Пўстлоқ қолдиқларини чиқариб ташлаш учун тишларни тиш чўткаси билан яна бир марта ювинг. Самара яхшироқ бўлиши учун муолажани ҳар куни 1-2 марта бажариш керак.



### СЎҒАЛЛАРНИНГ СЎРИЛИШИ

Сўғаллардан фориг бўлишда банан сизга асқотади. Яхши пишган банан пўстлоғи 2-3 см.ли квадрат кўринишида кесиб олинади. Гўштли томонига саримсоқпиез суви ёки момақаймоқнинг сутли сувини суртиб, кечаси ухлашдан олдин сўғалга қўйинг-да, устидан тиббиёт пластирини ёпиштиринг. Сўғал сўрилиб, йўқ бўлиб кетгунча қадар муолажани такрорлайверинг. Саримсоқпиезнинг сиқилган суви ўрнига гўштмайдалагичдан чиқарилгандан фойдаланиш мумкин. Баъзи сўғаллар бир ҳафтага етмай йўқолса, баъзиларининг сўрилиши учун ойнаб вақт кетади.



### ЧИҚ, ЗИРАПЧА, ЧИҚ...

Терига кирган зиралчани бошқа усуллар билан чиқара олмаётган бўлсангиз, банан пўстлоғининг бир бўлагини олинг-да, гўштли томонини терига қўйиб, тиббиёт пластирини билан ёпиштиринг. Пластирь 24 соат турсин. Ферментлар сизга азоб бераётган зирапчани тери устига олиб чиққач, уни қийналмасдан олиб ташлашингиз мумкин бўлади.



### ШУНИНГДЕК:

- Кун поёнига етганида кўзларингиз чарчаб, оғриётганини сезсангиз, банан пўстлоғининг ички томонини қоғоқларга қўйиб, бироз тин олинг. Банан пўстлоғи чарчоқни олиш билан бирга кўз пардасини ҳимоя қилишга қодир.
- Сизни қаттиқ бош оғриғи ҳадеб безовта қилаверса, битта банан пўстлоғининг гўштли томонини бошингизга босиб ётсангиз бўлади. Бош оғриғи тез қолади.
- Оёғингизда қадоклар пайдо бўлдим, товонларингиз ёрилиб кетяптими? У ҳолда банан пўстлоғини боғлаб олинг.
- Банан пўстлоғининг спиртли тиндирмаси бўғимлардаги ва мушаклардаги оғриқларни қолдиради. Дамламани тайёрлаш учун 4-6 та бананнинг майдаланган пўстлоғи устидан 0,5 литр спиртнинг 40 фоизли эритмаси солиниб, қоронғи жойда 5 ҳафта мобайнида тиндирилади. Кечқурун ётиш олдида оғриётган жойларга суртиб, ишқаланади.
- Банан пўстлоғининг қуритилиб, майдаланган кукун паразит касалликларнинг олдини олиш ва даволашда яхши самара беради. Юмалоқ ва тасмасимон гижжаларнинг барчасини йўқотиш учун овқатдан олдин 5 маҳал чой қошиқнинг учиди олиб ичиш керак бўлади.
- Банан пўстлоғи солиб қайнатилган сув руҳий тушқунликдан қутқаришга қодир.
- Кўкракни чиройли ва таранг кўринишда сақлаб қолиш учун кўкракбоғ ичига банан пўстлоғининг гўштли томонини терига қаратиб жойлаштиради. Муолажани ҳар куни бажариш тавсия этилади.
- Битта банан пўстлоғини майда тўграб, устидан 250 мл.гр. қайноқ сув қуясиз. Тўлиқ совигунча тиндирасиз. Музлаткичдаги муз қопилчаларига соласиз. Ҳар куни эрталаб шу муз бўлакчалари билан юзингизни артасиз. Самара сизни узоқ куттирмайди.

Ифтихор СИДДИҚОВ тайёрлади.

## Сўранг, жавоб берамиз

– Уч ойлик гўдагим бор. Унинг кўриш қобилияти жараёни қандай аниқлаш мумкин?

Феруза АЛИМОВА, Жиззах вилояти

– Чақалоқ рангларни неча ойлигидан ажрата бошлайди?

Одина ДАВРОНОВА,  
Тошкент шаҳри

## Гўдакнинг кўриш қобилияти қандай ривожланади?

### Раъно ҚОДИРОВА шифокор-педиатр:

– Туғилганда гўдак онгли кўриш қобилиятига эга бўлмайди. Агар ёрқин нур таъсирида (лампа, куёш нури) қорачиқлар тораيب, қовоқлар ёпилса, бошни орқага ташласа-ю, кўзлари бежо бўлса, бу шундай бўлиши керак бўлган ҳолат ҳисобланади. Туғилгандан сўнг 2-5 ҳафта ўтгач, бола буюмга, ёруғ нурга нигоҳини беҳаракат қўли билан қадалиб қарашга ундайди. 2 ойдан бошлаб у секин ҳаракатланаётган ялтироқ нарсаларни кўзи билан кузата бошлайди. Шакланган кўриш қобилияти болада 2-3 ойлигида ҳосил бўлади. Кейинчалик у аста-секин мукамаллашиб боради: бола нафақат она кўкраги, юзини, ўйинчоғини кўради, балки уларни таний ва ажрата олади, табассум билан жавоб беради. Болаларда кўриш қобилияти ҳар хил ривожланади. Баъзи болалар чироқнинг ёрқин нурида нигоҳини 2 ойлигида тўхтата олади, бошқалари эса 4 ойда. Кўзнинг асосий ўсиши ва ривожланиши 2-3 ёшгача, кичик ўзгаришлар эса 15 ёшгача давом этади.



– Шакланган кўриш қобилияти билан бир пайтда ранг билиш қобилияти ҳам ривожлана боради: гўдакнинг оқ-қора дунёси аста-секин ёрқинлашиб боради. Рангларни ажрата олиш қобилияти болаларда 2-6 ойлигида пайдо бўлиши аниқланган. Қабул қилиш қизил рангдан бошланади, шу ранг қабул қилиниши эртароқ шаклланишига боғлиқ. Кейинроқ кичкинтой кўк ва яшил рангни ажрата бошлайди. 6 ойлигида у барча асосий ранглар – сариқ, оқ, жигарранг, ҳаворанг, яшил ва ниҳоят сиёҳрангни ажрата олади. 3 ёшга келиб, боланинг ранг ажратиш қобилияти етарлича ривожланган бўлса-да, бу жараён ҳали давом этади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

... Хар доим доводдан ўтаётганимда ҳайбатли тоғларга боқарканман, болалигим кўз ўнгимда гавдаланади. Улкан дарахтлар энди менга жуда кичикдек кўринади. Тоғлар эса келажақдан эртақлар айтмайди.

Кўқонга бормаганимга анча бўлганди. Ота юртни кўриш, болаларимни бобоси туғилган юрт билан яқиндан таништиришни анчадан буюн ният қилгандим. Насиб этган вақти шу кун экан. Ваъдага биноан Ангрэн – Поп йўналишида “Тошкент – Андижон” йўловчи поездага ўтирдик. Юсак халқро талабларга жавоб берадиган замонавий поездга чиқиб, бундан 25 йиллар олдинги воқеалар кўз олдимда кино тасмасидек ўта бошлади.

...Тошкентдан чиқиб то Кўқонга етгунча дадамини саволларга кўмиб ташлардим. Бугун эса икки ўғлим бора-боргунча тоғлар қандай пайдо бўлганию, бобоси улар ҳақида нималар айтиб бергани ҳақида сўраб саволга тутишди. Шунда дадам қанчалар сабрий эканлар-а, деб ўйладим.

...Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари боши. Дадам – шоир Аъзам Ўттам, аям ҳамда укам иккимизни олиб, илонизи – Қамчиқ доводидан ошиб Кўқонга боришларимиз, эсимда. Автобус ёки поездга чилта топиш амри маҳол. Транспорт топилмас, топилганида эса ҳаммага ҳам жой бўлмасди. Тун кўйида тоғлар яна ваҳимали кўринар, хавфли бурилиш, деган ёзув кўриниши билан кўрқанимдан кўзимни чирт юмиб олардим. Сабаби, қаршингиздан чиққан машинанинг асабий сигнали ҳатто катта одамни ҳам чўчитарди.

Довоннинг қинғир-қийшиқ сўқмоқларини йўл деб бўлмасди. Қандайдир рангсизлик, юракни сиқадиган ғариблик бор эди уларда. Баҳор, ёз ва куз фаслида нисбатан чидаса бўларди. Лекин қишда...

У пайтда довод ҳозиргидай назорат қилинмасди. Тоннинг тепасига чиққанда, у томонга ўтиб бўлмайди, деган хабар келарди. Афсуски, доводнинг қаровсиз сўқмоқларида тез-тез автоҳалокатлар содир бўлар, баъзиларига ўзимиз хоҳлаган ҳолда кўзимиз тушиб қолар, анча пайтгача эсимиздан чиқаролмай юрардик. Хоҳ Қамчиқ доводни, хоҳ автобус йўли бўлсин, менинг назаримда, уларни қалин туман босиб ётарди. Аслида кўёш чиқса, туман тарқалиб кетиши лозим. Лекин, бу йўлларнинг тумани ҳеч тарқамасди. Улғайганимдан сўнг эса маҳобатли тоғларга қараб Отабек отда шунча узоқ йўлни қандай босиб ўтган экан, дея ўйлардим.

Энди ўша кунларни худди хайрли яқунланган эртақдек эслаймиз. Қамчиқ доводидан туннеллар қазилиб, янги йўл қурилган, ўз-ўзидан масофа ҳам қисқарди. Бугун ойнадек ярақлаб, кўзни қамаштирадиган йўллар истиқлол шарофатидир. Узоғи яқин бўлганидан қувонган юртдошларимиз, айниқса, улғайиб келётган ёш авлоднинг бу катта орзулари ижобат бўлишида муҳим аҳамиятга эга, десак хато эмас.

Истиқлол том маънода бизнинг кўнглимиз, руҳимизни кўтариб қор босган туйғуларимизни яшнатди. Очиғи, мустақилликнинг илк йилларида Қамчиқ доводидан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошланганда кўпчилик ишонмаганди. Ҳозир халқро талабларга жавоб берадиган кенг ва раво йўллардан икки ярим

# ДОВОНДАГИ ЎЙЛАР

соатда Кўқонга кириб борар эканмиз, 25 йил аввалги кўрқувлар энди эртақдек туюлади.

“Ангрэн – Поп” электрлаштирилган темир йўли қурилиши ҳақидаги хабарни ҳам шундай ҳаяжон билан кутиб олдик. Худди аввалгидек шубҳа билан қараганлар бўлди. Одамзоднинг табиати қизиқ. Бежизга кўз кўрқок, кўл ботир демайди, халқимиз. Тўғри, миллион йиллик боботоғларнинг кўксини ёриб,



темир йўл ўтказиш осон иш эмасди. Ақлга сизгайдиган жойлари ҳам борлиғи рост.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти раҳнамолигида ташаббускорлик, катта меҳнат эвазига бунёд этилган бу замонавий темир йўл гўё менинг, бизнинг, ҳаммамизнинг юрагимиздан, орзуларимиздан ўтаётганга ўхшарди. Улар тизилиб водийдаги улғи ўрмонлар билан, шу ислохотларни амалга ошираётган юртдошларимиз билан, жон-жигарларимиз билан бизни боғлайди, қариндошлик ришталари энди ҳар қачонгидан мустаҳкамроқ бўлишига ишонч уйғотади.

Биринчи Президентимиз Испом Каримов 2013 йилнинг 26 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ангрэн – Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўли қурилиши режалаштирилгани, 2016 йилда бу темир йўл қуриб битказилиши ва поезд қатнови йўлга қўйилишини таъкидлади. Ана шу сўзларнинг исботи сифатида белгиланган муддатидан 4 ой олдин, яъни атиги 32 ой ичида 123,2 километрлик Ангрэн – Поп темир йўли ва унинг таркибидан 19,2 километрлик Қамчиқ тунели қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– 2013 йил 18 июндаги “Электрлаштирилган Ангрэн – Поп темир йўли линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан бунёд этилган янги темир йўли линияси ва хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда қурилган Қамчиқ тунели дунё миқёсда ноёб лойиҳалардан ҳисобланади, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғининг ўринбосари, “Ангрэн – Поп” электрлаштирилган темир йўли қурилиши бошлиғи Эркин Уммутов. – Ушбу қурилиш объектида жами 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бургулаш-

портлатиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 285 та сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километрлик 15 та темир йўл кўприги, 6 та йўлўтказгич, 4 та станция, 4 та разъезд ва 2 та вокзал қуриб битказилди. Қурилган кўприклар орасида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган баландлиги 57, узунлиги 500 метрни ташкил этувчи Ёйсимон кўринишдаги кўприк ҳам мавжуд. 124 километрлик темир йўл тўлиқ

кўраямиз.

– Ангрэн – Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши қалбимизни гурур-ифтихорга тўлдирди, – дейди Бувайда туманидаги 1-сонли академик лицей ўқитувчиси Шавкатжон Ўттамов. – Пойтахтга бориш барибир бироз мушкул эди. Айниқса, ўқувчиларимизни олимпиада, турли кўрик-танловларга олиб бориш учун уларнинг ота-оналарини кўндириш осон бўлмасди. Ахир, доводнинг хавфи барчани чўчитарди. Мана энди янги ишга туширилган темир йўлда тез ва бехатар кўзлаган манзилнингизга эртади.

Ҳа, кечагина бизга мўъжизакор, афсонавий бўлиб кўринган ишлар бугун воқеликка айланмоқда. Бу саодатли кунлар водий халқи учун асрий орзу эди. Мазкур темир йўл водийга янги ҳаёт, янги имкониятлар, тараққиёт ва фаровонлик эшигини янада кенгроқ очди. Бозорларимизнинг тўқинлигини, турмушимиз юксалиши баробарида янги иш ўринларини яратиш, сайёҳликни, тадбиркорларимизнинг халқро бозорга чиқишини таъминлайдиган бош омиллардан бири, айнан мана шу темир йўллар. Мамлакатимиз иқтисодий кудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлган Ангрэн – Поп электрлаштирилган темир йўли линиясини мустақилликнинг буюк мўъжизаси, деб аташ мумкин.

электрлаштирилиб, иккита электр тортиш станцияси қурилди. Лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун 10 га яқин турар жой бинолари барпо этилди.

Дарҳақиқат, темир йўл доводнинг серкатнов автомобил йўлидаги тирбандликка барҳам беради. Ниҳоят, водийликлар хавф-хатарсиз, хотиржам кўнгли билан ҳар қандай шароитда, айниқса, қишнинг ёгин-сочин кунларида ҳам пойтахтга бошалоқ келиб кетадилар. Йўллар мамлакатнинг катта-кичик томирчалари бўлса, темир йўллар уларни туташтирувчи бош томирдир. Истиқлол йилларида Тошгузар – Бойсун Қумқўрган ва Ангрэн – Поп ораллигида бунёд этилган темир йўллар инсон манфаатларига қаратилган одилона сиёсатнинг ёрқин исботидир.

Фахр билан айта оламизки, илгари темир йўл тизимида бундай янгиликлар рўй бериши, айниқса, Қамчиқ доводни узра поезд қатнови йўлга қўйилишини кўпчилик тасаввурига ҳам сизгидира олмасди. Истиқлол шарофати билан ана шундай ушалмас орзуларимиз рўёбини

1997 йил Биринчи Президентимиз Испом Каримов томонидан “Инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган эди ва у ҳамон давом этмоқда. 2017 йилнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номлангани бу борада амалга ошириб келинаётган ишларнинг ўзвийлигини таъминлайди. Янги йўлбошимчи раҳнамолигида дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаймиз, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон, турмуш даражаси янада юқори бўлади. Халқимиз бир тан, бир жон бўлиб Қамчиқ темир йўли сингари афсонавий орзуларини рўёбга чиқаришда давом этади.

Тўмарис АЪЗАМ, журналист

## ОТАНИНГ КЎЗИ ЁШЛАНМАСИН!

Кўшнимни тушкун кайфиятда учратдим. Боши эгик, руҳи синиқ. Икки ўғли ер-жой, мол-мулк устида тортишиб, уйда жанжал чиққанидан хабарим бор эди. Шунинг учун ҳам билан саломлашган бўлдим, ҳол-аҳвол сўрагани тилим бормади. Кўзи очлигида ўғиллари мол талашган, ўз фарзандларидан дилороз сўзларни эшитган падали бузруқворнинг аҳволи қандай бўларди?

Бир неча кун кўшнимнинг ғамгин қиёфаси кўз олдимдан кетмади. Нима учун фарзандлар бунчалар меҳрсиз, худбин бўлиб қолар экан, деб кўп ўйладим. Ахир инсон учун отадан улғу, онадан меҳрибон зот йўқ. Кўзимнинг нури, қалбимнинг кўри, дея ардоқлаган дилбандларидан даки-дашном эшитиш ота учун осон эмас.

“Бир ота ўн болани боқа олади, аммо ўн нафар фарзанд бир отани боқолмайди”, деган гап бор. Бу отанинг қорини тўйдиролмайди, дегани эмас. Ота ўғлининг ош-нонига зор, деб ким айтди? Унга фарзандларнинг меҳри керак. Ота ўғил-қизининг ширин сўзидан озиқ олади, уларнинг эътиборидан жисми қувватга тўлади. Шуларни унутманг.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ, Иштихон тумани



**Oilavajamiyat**  
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,  
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент – 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3642. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи муҳаррир: Б. Исмонлов  
Навбатчи: Л. Саъдуллаева  
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ISSN 2010-7609

7201076007

1 2 3 4 5